# Нафосат гулшани

# НОШИРЛАР — УЛУҒ ОКТЯБРГА

## «ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ—«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МЕҲМОНИ

**КПСС XXVII съезди бўлиб ўтган дамлар Ватанимиз тарихи саҳифаларига қанчалик сингиб боргани сари у қабул қилган қарорларни турмушга тадбиқ этиш жараёни ойдинлашиб бормоқда. Съездда халқ хўжалигининг барча тармоқлари сингари жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳитнинг аҳволини кўп жиҳатдан белгилайдиган адабиёт ва санъатнинг роли ҳақида ҳам қимматли фикрлар айтилди. «Партия ҳам, халқ ҳам дабдабали, маза-матрасиз асарларга ва турмуш икир-чикирлари баён қилинган китобларга, тутуруқсизлик ва тор амалиётчиликка эҳтиёж сезмайди, — дейилган эди КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладида. — ...Ижодий союзлар ишининг асосий якуни резолюциялар ва мажлислар билан эмас, балки халқнинг маънавий ҳаётини бойитишга қодир бўлган талантли, оригинал, жамиятга керакли китоблар, фильмлар, спектакллар, картиналар ва музика асарлари билан белгиланади».**

**Партиямизнинг бу кўрсатмасини вақтли матбуотлар, нашриёт ва ижодий союзлар амалга ошириш учун ҳаракат қилишмоқда. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётида бўлиб, нашриёт ходимлари билан суҳбатлашдик. Бугун улар «Тошкент оқшоми» меҳмони.**

## Китобларимиз ҳақида

Х. ПИРМУҲАМЕДОВ,
«Ёш гвардия» нашриётининг директори.

Нашриётимиз йилига 150 дан ортиқ китоб нашр этади. Бу, китобхонлар билан 150 марта учрашув демакдир. Коллективимиз мақсади ана шу «учрашув»ларнинг ҳар бирини мароқли ва мазмунли этишдан иборат.

Икки оғиз сўз нашриётимизнинг иш фаолияти ҳақида. «Ёш гвардия» нашриёти 1960 йил ташкил этилган. Шу ўтган давр мобайнида нашриёт томонидан 3500 дан ортиқ номда 100 миллион нусхадан ортиқ китоб нашр қилинди. Уларнинг тематик доираси чеклаб қўйилган эмас. Бироқ асосий йўналишни болалар ва ёшлар учун севимли бўлган китоблар, шунингдек, комсомол ва пионер адабиётлари, атеистик пропагандага оид асарлар, зарбдор комсомол қурилишларидан ҳикоя қилувчи очерклар тўпламлари ташкил қилади.

Нашриётимизда еттита редакция иш олиб боради.

Ҳар бир редакция ўзининг мунтазам серияларига эга.

Улар орасида «Социализм учун курашганлар», «Ёшлар — Ватанга», «Комсомол меридианлари», «Машҳур кишилар ҳаёти», «Ҳозирги замон ўзбек поэзияси», «Авторнинг биринчи китоби», «Ёш қаҳрамонлар» сериялари алоҳида эътиборга молиқдир.

«Ёш гвардия» нашриёти ўз ўқувчиларини жаҳон адабиёти ва рус адабиёти классиклари асарлари билан доимо баҳраманд этиб келади. Шунингдек, қардош халқлар адабиётидан намуналар ҳам тематик планларимиздан ҳамиша ўрин олади.

Ҳозирги кунда ўзбек совет адабиётида яратилаётган энг яхши асарларни муҳтарам ўқувчиларимизга ўз вақтида етказиб бериш бизнинг асосий бурчимиздир.

Бу йил мамлакатимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини кенг нишонлайди. Бизнинг коллективимиз ҳам бу муборак айёмга муносиб тайёргарлик билан бормоқда.

Қайта қуриш — бугунги давримизнинг бош шиори. Бу улуғ ҳаракатга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Бунинг учун энг аввало чиқараётган китобларимиз мазмундорлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, яхши китоб қайта қуриш ишида мисоли ғоявий қурол бўлиб хизмат қилади.

## Ошкоралик ва демократия — шиоримиз

«Ёш гвардия» нашриётида рус тилидаги бадиий ва болалар адабиётлари редакцияси 1984 йилда ташкил топган. Ёшлар нашриёти, албатта, илгари ҳам рус тилида китоблар нашр этган. Эндиликда эса асарларни бирмунча мақсадга мувофиқ тарзда танлаш имконияти туғилди.

Редакция Ватанимиз ва чет эл классиклари асарларини тайёрлашга алоҳида аҳамият беради. Эндиликда А. С. Пушкин ва Г. Андерсеннинг эртаклари, Г. Уэлснинг «Волшебная лавка» номи билан чиқарилган ҳикоялар тўплами, Жюль Верннинг «Пятнадцатилетний капитан» («Ўн беш ёшли капитан») романи, Н. Куннинг «Легенди и мифи Древней Греции» («Қадимий Греция афсоналари») китоб магазинлари пештахталаридан жой олди.

Ана шу қисқа давр ичида ўзбек классиклари дурдоналари: А. Навоий «Хамса»си, ўзбек халқ эртаклари тўпламлари, Ойбекнинг «Навоий» романи рус китобхонларига тақдим этилди. Яқин орада Ҳамзанинг «Тошбақа билан Чаён» масали, «Учар от» номи билан аталувчи ўзбек халқ фантастик асарлари тўплами ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Таниқли ўзбек ёзувчи ва шоирлари Қуддус Муҳаммадий, Туроб Тўла, Пўлат Мўмин, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов ва бошқаларнинг асарлари рус тилига таржима қилинди. «Ҳозирги замон ўзбек прозаси» ва «Ҳозирги замон ўзбек шеърияти» рубрикалари доимий бўлиб қолди.

Республикамизда кўпмиллатли ёзувчилар самарали ижод қилишмоқда. «Ёш гвардия» маркаси билан Борис Тихомолов ва Олег Сидельников, Вильям Александров ва Раим Фарҳодий, Владимир Данько ва Зоя Туманова, Рауль Мир-Ҳайдаров ва Билол Мамбет сингари ўнлаб ёзувчи ва шоирларнинг асарлари рус китобхонларига етказилди.

Ҳозир совет жамиятида қарор топаётган ошкоралик, жадаллаштириш, ишга пухта ёндошиш муҳити авторлар билан ишлашнинг янги-янги форма ва методларини излаш, уни ҳаётга тадбиқ этиш вазифасини олдимизга қўяди. Редакциянинг перспектив планлари ҳозир ошкоралик ва демократия принципи асосида таркиб топмоқда, қўлёзмаларни конкурс системаси асосида танлаш, уларни Ёзувчилар союзида, ишчи ва студентлар аудиторияларида муҳокамадан ўтказиш практикаси амалга оширилмоқда. Ўйлаймизки, бу тадбирлар талабчан китобхонлар дидига мос янги-янги асарларнинг вужудга келишига ёрдам беради.

В. НЕЧИПОРЕНКО,
бош редактор ўринбосари, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

## Масъулиятли давр

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги нишонланаётган йилда нашриётнинг оммавий-сиёсий адабиётлар редакцияси ишни янада масъулият билан бажаришга киришган. Доҳиймиз В. И. Ленин ҳаёти, Октябрь тантанаси, коммунистик тарбия, қарши пропаганда, атеистик ва ҳуқуқ тарбияси иш луғатимизнинг мағзидир. «Ёш гвардия» «Ленинннома»си серияси ҳозирда нашриёт тематикасига сингиб кетди. Буни китобхонлар ҳам жуда яхши билишади. Бу йил ана шу серияда Мариэтта Шагиняннинг «Лениндан тўрт сабоқ» китоби чоп этилди. Унга Ленин ҳаётига оид тўрт очерк киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ажойиб сабоқлардир. Октябрь 70 йиллигига юртимизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, инқилоб душманларига қарши кураш ва социализм қуришда фаол иштирок этган кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи А. Дунаевскийнинг «Изларни излаб», С. Одиловнинг «Ёлқин», коллектив авторларнинг «Боқий умр» сингари асарлари ўқувчиларга тақдим этилди. Қарши пропагандa ва атеизм мавзуларида Ш. Қосимовнинг «Ниқоб йиртилганда», Э. Бобоева, К. Турдиалиевларнинг «Октябрь — Шарқ ёшлари тақдирида», Ғ. Ғафуровнинг «Удумларда халқ қалби», Т. Саидбоев, Т. Тошлоновларнинг «Диний эътиқод ва ёшлар», Ў. Абдураҳмоновнинг «Чангалзор» пайғамбарининг ҳалокати» каби китоблари чиқарилди.

Албатта, жамиятни қайта қуриш учун кураш умумхалқ ва айнан ҳар бир кишининг кураши бўлмоғи керак. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми, КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь, июнь Пленумлари жамият тараққиётига тўсиқ бўлган ёт иллатларга қарши кураш эълон қилгани ҳамда экономикани қайта қуришга амалий йўлланма бергани ҳаммага аён. Қайта қуриш учун курашга бу сафарбарлик адабиётда ўз инъикосини топмоғи керак. Шу кураш ишига бизнинг редакциямиз ҳам ўзини сафарбар деб билади.

М. ИЛЕСОВА,
оммавий-сиёсий адабиётлар редакциясининг муҳаррири.

## Ёшларга эътибор

Ёш ижодкорларга партия ва ҳукуматимиз тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Кейинги йилларда ёш ижодкорларнинг ижод намуналари газета-журналларда тез-тез чоп этилиб, биринчи китоблари кўп ва тез нашр этилмоқда. Редакциямиз ҳар йили 21 номда ёш шоир ва ёзувчиларнинг шеър ва ҳикоя, қиссаларини «Авторнинг биринчи китоби», «Илҳом», «Олтин беланчак» ва «Чашма» серияларида нашр этмоқда. Ҳозирда эл оғзига тушиб қолган талантли ёшлардан Юсуф Жумаев, Мақсуда Эргашева, Тўра Мирзо, Саъдулла Ҳаким, Усмон Қўчқоров, Ориф Фармонов кабиларнинг илк китоблари айнан бизда босилган эди.

Редакциянинг бу йилги планидан ҳам республикамизнинг турли бурчакларида яшаб, ижод қилаётган талантларнинг ижод намуналари ўрин олган. Шуни айтиш керакки, бу ёшларнинг аксарияти турли соҳа кишилари. Аммо барини ижод бирлаштириб туради.

Редакция шундай ёшларга мадад қўлини чўзади. Бу ўринда Қорақалпоқ ёш ижодкорлари ҳам унутилгани йўқ. Ўтган йили ёш шоира Ҳалима Қарсақованинг ижод намуналари «Олтин беланчак»да чоп этилган бўлса, бу йил талантли ёш шоир Жиянбой Избоскановнинг «Чавандоз» шеърлар китоби нашр этилмоқда.

ТЎЛҚИН,
ёш авторлар билан ишлаш редакцияси мудири, шоир.




**СУРАТЛАРДА: «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган асарлардан намуналар.**

## Фидойилик ифодаси

Съездлар йили, юбилейлар йили комсомол ва пионер адабиётлари редакцияси чиқарадиган кўплаб китобларнинг мазмун ва мундарижасини белгилаб берди. Жумладан, ВЛКСМ XX, Ўзбекистон ЛКСМ XXIII съездларига бағишлаб қатор китоб, тўплам ва рисолалар чоп этилди. Булар орасида «Курашларда ўрганиб», «Чўлда топишганлар» китоблари, «Сўқмоқ йўлга чорлайди» тўплами, «Навқирон Ўзбекистон» фотоальбоми бор. «Комсомол турмуши»нинг 1987 йилги тўплами асосан съезд қарорларини, партиямизнинг қайта қуриш ҳақидаги йўл-йўриқларини амалга оширишга қаратилган ёшлар фаолиятига бағишланди. Яқин орада «ВЛКСМнинг XX съезди материаллари» тўплами, ВЛКСМнинг XX съезди қабул қилган Устави китобхонлар қўлига тегади.

Спорт соҳасидаги китобларимиз ҳам диққатга сазовор, СССР спорт мастери Мамажон Муҳиддинов тайёрлаган китоб «Шахмат новеллалари» деб аталади. Унга ўзи таржима қилган, тўплаган бир қатор мароқли қисса, ҳикоя, ривоят ва латифаларни киритган.

Нашриётда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига катта эътибор берилади. Ватанимиз тупроғидан фашист газандаларини Берлин бўсағаларигача, Бранденбург қопқонигача қувиб борган самарқандлик бўз йигит, жангларда тобланган суворий Пўлат Ғаниевнинг «Зафар йўли» эсдалик китоби, Улуғ Ватан уруши ветерани Умар Хўжаев ёзган «Кантемировчининг эсдаликлари», ёзувчи Охунжон Ҳакимовнинг «Хотира» очерк ва ҳикоялар тўплами шулар жумласидандир. «Садоқат» йиллик тўплами Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига, «Жасорат» йиллик тўпламимиз эса Совет Армиясининг 70 йиллигига бағишланади. Китобхонлар Ленин мукофоти лауреати, машҳур белорус адиби Васил Биков қаламига мансуб «Унинг батальони» қиссасини ўзбек тилида ўқиб совет жангчиларининг уруш йилларидаги мардлигига, матонатига, фидойилигига таҳсин ўқийдилар.

А. АБДУМАЖИДОВ,
комсомол ва пионер адабиётлари редакцияси мудири, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

## Ижодий ҳамкорлик

Китобхонларга тақдим этилаётган китоблар мазмунли, ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлаш редакциянинг диққат марказида туради. Кейинги йилларда мазкур редакция орқали ҳаётга йўлланма олган шеърий тўпламлар, қиссалар, романлар маънавий хазинамизни анча бойитди.

Шуниси муҳимки, редакция бу даврда катта адабиётимизнинг кекса, ўрта ва кенжа авлоди вакиллари билан ижодий ҳамкорликни янада кучайтирди. Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, 1987 йилда Шуҳратнинг «Ёшлигимнинг давоми», Маъруф Жалилнинг «Дарёни излар шамол», Икром Отамуродовнинг «Уфқ орти бепоён» шеърий тўпламлари, Шукур Холмирзаевнинг «Тоғларга қор тушди» қиссалар китоби, Саъдулла Сиёевнинг «Аваз» романи, шунингдек, Саид Равшан ва Мухтор Худойқулов, Аҳмад Аъзам ва Максим Каримовнинг қиссалар ҳамда ҳикоялардан ташкил топган китоблари юзага келди. Яқин орада мухлислар А. Қаюмовнинг «Беруний, Ибн Сино», Н. Фозиловнинг «Улуғлар даврасида», Э. Воҳидовнинг «Шоир, шуур, шеър» эсселар китобини, истеъдодли ёш шоирлар — Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим китобларини қўлга олишади.

Редакция таржима санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, тез кунларда мухлислар Ф. Купернинг «Чингачгук фожиаси», М. Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романларини ўқишга муяссар бўлишади.

А. ДИЛМУРОДОВ,
ёшлар учун бадиий адабиёт редакцияси редактори, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

## Ранг-баранг тўпламлар

Ўсмирлар адабиёти редакцияси ўзининг мунтазам ва китобхонлар эътиборини қозонган серияларига эга. «Фантастика, саргузашт, саёҳат», классик адабиёт жанрлари, «Ўзбек халқ фантастикаси», «Сирли олам» ана шулар жумласидандир.

Яқин кунларда китобхонлар қўлига тегадиган асар иқтидорли ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Қалдирғоч» қиссасидир. Мазкур асарнинг бош қаҳрамони Туркистонда инқилоб ғалабасини сақлаб қолиш учун курашган ўзбек зиёлиси Асадулла Миръаламдир. У РСФСРнинг биринчи элчилари сафида Кобулга бориб, қўшни Афғонистон мамлакати билан дўстлик алоқаларини ўрнатишда жонбозлик кўрсатади. Бу асар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ёзувчининг муносиб туҳфасидир.

Шунингдек, 1987 йилда редакция таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорованинг Абдулла Қаҳҳор ижоди ва ҳаётига бағишланган «Чорак аср ҳамнафас» хотиралар китобини, Озод Мўминовнинг «Хиёбонда уч учрашув» фантастик ҳикоялар тўпламини, «Ўзбек халқ фантастикаси» сериясидаги «Само тулпори» тўпламини, В. Обручевнинг «Плутония» саргузашт романини, «Классик адабиёт жанрлари» сериясида «Рубоий сеҳри», «Эпос» китобларини кенг китобхонлар оммасига туҳфа қилди.

Яқин кунларда «Одобнома» номли янги сериянинг дастлабки қалдирғочи — таниқли тилшунос олим Алибек Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» рисоласи ўқувчилар қўлига тегади. Китобга ўзбек тилининг бой имкониятлари, муомала одоби — сўзнинг сўздан фарқи борлиги ҳақида баҳс юритилади.

Мазкур ва бундан сўнг нашр этиш учун планлаштирилган китобларимиз ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилгандир.

А. ШОМИРЗАЕВ,
ўсмирлар адабиёти редакцияси мудири, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

## Эртаклар дунёсида

Болалар адабиёти редакцияси мактабгача, кичик, ўрта ва катта мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган китобларни нашр этади. Китоблар тематикаси ранг-баранг. Ҳар йили жажжи китобхонлар учун ўнлаб ўзбек ва рус тилларида рангли расмлар билан безатилган китоблар туҳфа қиламиз. Ўқувчиларимиз ўзбек ёзувчилари, рус классик ёзувчиларининг, ўзбек халқ эртакларининг энг яхши намуналари билан танишадилар. Масалан, Бонч-Бруевичнинг «Ленин ҳақида ҳикоялар», В. Бианкининг «Читтакнинг йилномаси», Л. Толстойнинг «Ғозлар Римни қандай қутқардилар», Юсуф Шомансурнинг «Қўзибой» номли китоблари шулар жумласидандир.

Редакция қардош халқлар адабиётига катта эътибор беради. Бу йил рус ёзувчилари Сергей Алексеев, Ирина Стрелкова, тожик шоираси Мавжуда Ҳакимова, қорақалпоқ ёзувчиси Шаудирбой Сеитов, қорақалпоқ шоири Жўлдос Дилмуродов, молдаван ёзувчиси Спиридон Вангелининг асарлари ҳамда Болтиқ бўйи халқлари эртаклари китобхонлар жавонидан ўрин олади.

С. САЙДАЛИЕВА,
болалар адабиёти редакциясининг катта редактори.

**(Материалларни «Тошкент оқшоми» газетасининг фан, олий ўқув юртлари, маданият, ахборот бўлими ва «Ёш гвардия» нашриётининг бошланғич журналистлар ташкилоти тайёрлаган).**

## Нима? Қачон? Қаерда?

**24—30 август**

**«ТЕАТР МЕҲМОНХОНАСИ»**

Пойтахтимиздаги театрлар коллективлари дам олишдан кейин янги мавсумни бошлашга киришдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР театр арбоблари союзининг актёрлар уйида «Театр меҳмонхонаси» тадбири ўтказилади. 24 август куни соат 20 да бўладиган маросим шаҳримиздаги театрларнинг мутасадди раҳбарлари ва етук ижодкорлари даврасидир. Унда санъаткорлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига атаб саҳналаштираётган янги асарлар ҳақида гап боради.

Актёрлар уйида 26 август куни соат 15 да бўладиган тадбирга республика сатира театрининг актёрлари таклиф этилган. Улар бу ерда ижод даврасида ўзига хос мулоқот қиладилар. Меҳмонларга «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган янги фильм кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР театр арбоблари союзи «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги муносабати билан Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида ишчиларнинг санъаткорлар билан учрашувини ташкил этмоқда. 28 август куни бўладиган бу тадбирда Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик опера ва балет театрининг рақкосалари, республикада хизмат кўрсатган артист Сайёра Мусаева ва артист Вера Ражабова қатнашадилар. Улар ўзларининг энг яхши рақсларини ишчиларга намойиш этадилар.

**МИНИАТЮРАЛАР ОҚШОМИ**

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғи ва Ўзбекистон телевидениеси ҳамкорликда 27 август куни оқшом чоғида ташкил этадиган тадбирга миниатюра усталари таклиф этилган. Шўх кулги ва қаҳ-қаҳа кечасига айланадиган бу тадбирда шу кунларда олиб борилаётган қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлида тўсиқ бўлиб учрайдиган иллатлар фош этилади. Охори бузилмаган миниатюраларни республикада хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов, артистлар Роза Каримова, Абдуҳолиқ Мамарасулов, Абдураҳмон Аҳмедов ва бошқалар ижро этадилар. Хушовоз хонандалар бу кулги кечасига файз киритадилар.

**УЛУҒ РЕВОЛЮЦИЯ ТАРИХИ**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида очилган янги бўлим ўзининг ранг-баранг экспонатлари билан Улуғ Октябрь революциясининг шонли тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Бўлимнинг материаллари — китоблар, картиналар, ҳужжатлар, фото суратлар, слайдлар, схемалар воситасида Туркистон ўлкасида 1905—1915 йилларда бўлиб ўтган революцион воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Шундан кейин кўпгина экспонатлар ёрдамида ўлкамизда Октябрь революцияси қандай ғалаба қилганлиги ва бу революцияни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган кураш лавҳалари билан танишиш мумкин.

**ЭКРАНДА БИРИНЧИ МАРТА**

Ўзбекистон телевидениеси 27 августда нишонланадиган совет киноси куни муносабати билан томошабинларнинг кенг даврасини «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган яна бир янги асар билан таништиради. Томошабинлар 24 август куни биринчи программа орқали соат 22 дан 05 минут ўтганда «Алвидо, ғўр ёшлигим» бадиий фильмини кўрадилар.

Истеъдодли ўзбек кинорежиссёри Элдор Эшмуҳамедов ёзувчи Жасур Исҳоқовнинг сценарийси асосида яратган бу фильмда кейинги йилларда республикамизда пайдо бўлган салбий ҳолатлар фош этилади. Фильмда ўзбек кино артистлари қардош ҳамкасблари билан суратга тушишган. Артистлардан Фарҳод Машарипов, Лариса Белокурова, Ато Муҳаммаджонов, Рустам Саъдуллаев, Ортиқ Жаллиев, Борислав Брондуков (Москва) ва бошқалар ҳозирги даврдаги ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг образларини яратганлар.

**ДИЛШОД БАРНО ИЖОДИ**

Ўзбек ва тожик халқларининг муносиб фарзанди Дилшод Барно авлодларга муносиб поэтик мерос қолдирган шоирадир. Тожикистоннинг Ўратепа қишлоғида туғилиб, Ленинобод (собиқ Хўжанд)да яшаган шоира ўз замонасининг саводсизлиги ва қашшоқлигига қарамай шарқ халқларининг бадиий ижодиёти ва классик шоирларнинг асарларини мутолаа қилиб, шеърлар ва ғазаллар ёзабошлади. У ўз ижодида яшаган давридан норозилигини акс эттирди ва янги ҳаёт бўлишини куйлади. Ўзбекистон телевидениеси 28 август куни биринчи программа орқали соат 19 дан 45 минут ўтганда намойиш этадиган кўрсатуви ана шу шоиранинг ижодига бағишланган.

А. ПУЛАТОВ.

## Жиноят содир бўлди

**ҚЎЛГА ТУШДИ**

● 18 август кечаси олинган хабарда «ЭПАП» ҳайдовчиси А. М. Норматовга қарашли «06—22 ТНА» рақамли машинада тасодиф рўй берганлиги айтилганди. Пассажир ҳайдовчига қурол билан ҳужум қилиб, қаттиқ жароҳатлаган эди. Фрунзе район ички ишлар бўлимининг ходимлари А. Т. Абибуллаев, М. Содиқов, А. Сайфутдиновларнинг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли жиноятчи қўлга олинди. Операцияни амалга оширишда гражданин А. Д. Ануфриев актив иштирок этди. Тергов давом этмоқда.

● 7 март кечаси номаълум шахс Айриев кўчасида истиқомат қилаётган Х. М. Зиёматовнинг уйига кириб, пул ўғирлаган.

13 март куни худди ана шу усулда Тўёна кўчасида истиқомат қилаётган А. М. Немальцеванинг квартирасидан гилам ўғирланган.

1 май кундуз куни эшик қулфини синдириб, ичкарига кирган шахс Строительная кўчасида истиқомат қилаётган О. М. Гончарованинг квартирасидан магнитофон, соатлар ва курткаларни ўғирлаган.

Жиноятчини аниқлаш учун амалга оширилган тадбирларда Ҳамза районининг аҳолиси актив иштирок этди. Натижада юқоридаги жиноятларнинг ҳаммаси «П» исмли шахс томонидан содир этилганлиги, аввал судланган бўлиб, текинхўрлик билан кун кечираётганлиги аниқланди.

● 19 август кечқурун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси территориясига бораётган 161-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси А. А. Абусеванинг сумкасини номаълум шахс олиб қочиб кетганлиги ҳақидаги хабар олинди. Зудлик билан кўрилган чоралар туфайли жиноятчи аниқланди ва қўлга туширилди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

**ҚОТИЛЛИК**

● 16 август кечқурун «Н» исмли гражданин маст ҳолда Марказ-17, 18 кварталида истиқомат қилаётган акасиникига меҳмонга борган. У кайф устида акасига пичоқ урган. Жароҳат оғир бўлганлиги учун у ҳалок бўлган. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

● 18 август кечки пайт С. С. Волжанская милиция навбатчилик қисмига Қорақамиш 2/5 массивида истиқомат қилаётган онаси З. М. Пономарева ўз уйида ҳалок бўлиб ётганлигини хабар қилди. Аёлнинг боши қаттиқ жароҳатланган эди. Соат 20 да Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимига ҳалок бўлган аёлнинг эри кириб келди. У айбини бўйнига олиб, жанжаллашиб қолганлиги ва хотинини болта билан уриб ўлдирганлигини тан олди. Тергов давом этмоқда.

**АВТОМОБИЛЬ ОЛИБ ҚОЧИЛДИ**

● 19 август кундузи Анҳор бўйида жойлашган «Кафе-лағмонхона» олдидан Н. Ҳайдаровга қарашли бўлган «01—08 ТНХ» рақамли «ВАЗ 21—06» автомобили олиб қочиб кетилган.

● Худди шу вақтда Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчасининг 2-Торкўчасидаги 2-уй олдида қаровсиз қолдирилган Х. Раҳматуллаевнинг «86—32 ТШС» рақамли «ВАЗ-2106» машинаси олиб қочиб кетилган.

● 16 август соат 16 дан 30 минут ўтганида Сақичмон кўчасидан ҳайдовчи Р. Х. Тожибоев томонидан қаровсиз қолдирилган «65—70 ДУ» рақамли «ЗИЛ-131» автомашинаси олиб қочиб кетилган. Автомашина Келес ДОСААФининг автомактабига қарашли эди. Жиноятчиларни аниқлаш бўйича қидирув ишлари давом этмоқда.

**ҚИДИРИШ ТЎХТАТИЛДИ**

● 13 июлда бедарак йўқолган А. К. Мирзажонов қидирилаётганлиги хабар қилинган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида унинг Юнусобод массивида истиқомат қиладиган танишлариникида яшаётганлиги аниқланди.

● 7 августда милиция органлари 1970 йилда туғилган С. Р. Тукчирина 2 июлдан бошлаб уйидан чиқиб кетганлигини қайд қилишган эди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли у ота-онасининг рухсатисиз қариндошлариникида яшаётганлиги аниқланди.

**БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН**

Александр Риючевич Абдулин, 1968 йилда туғилган, 3-Виборгская кўчасидаги 21-уйда истиқомат қилади. У 1987 йил 25 июль куни уйидан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

БЕЛГИЛАРИ: бўйи 175 сантиметр, миқти гавдали, юзлари чўзинчоқ, дўнгпешона, қошлари ёйсимон, кўзлари тим қора, сочлари сариқ. Жигарранг шим, енги калта кўйлак кийган. Оёғида жигарранг сандалети бор.

**ҚАЛЛОБЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ**

18 август соат 15 да Энгельс кўчасида икки киши иккита «ВАЗ-2109» автомашинасини сотиш ва сотиб олишга кўмаклашиш баҳонаси билан В. Г. Бреду ва В. И. Ярошенкодан катта миқдорда пул олганлиги ҳақидаги хабар олинди. Ставрополь ўлкасининг гражданлари бўлган бу икки шахс дарҳол қўлга олинди. Тергов ишлари бошланди.

Ўзингиз учратган жиноятчилар, тартибсизликлар, уларга сабаб бўлган кишилар ҳақида 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

